

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАКИРДИНОВ АЛИШЕР САЙФИТДИНОВИЧ

**ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРНИ УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР
ПОПУЛЯЦИЯСИДА КЛИНИК – ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИГА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content so dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Пакирдинов Алишер Сайфитдинович

Гастродуоденал яраларни узок умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар.....

3

Пакирдинов Алишер Сайфитдинович

Клинико-эпидемиологическая характеристика и инновационные подходы к профилактике гастродуоденальных язв у популяции долгожителей.....

25

Pakirdinov Alisher Saifitdinovich

Clinical and epidemiological characteristics and innovative approaches to the prevention of gastroduodenal ulcers in a population of centenarians

46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАКИРДИНОВ АЛИШЕР САЙФИТДИНОВИЧ

**ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРНИ УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР
ПОПУЛЯЦИЯСИДА КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИГА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2194 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (info@adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www. ziyonet.uz да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мадазимов Мадамин Муминович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шахноза Кодиржановна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Мусашайхов Хусан Таджибаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 04/04.03.2022.Tib.95.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» даги ___ - сонли почта жўнатмалари протоколи реестри).

З.С.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Р.Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида амалда гастродуоденал яралар билан турли ёшларда, жумладан, « узок умр кўрувчиларда, яъни 90 ёшдан ўтган аҳоли гуруҳларида ҳам учрайди....»¹. Аммо гастродуоденал яралар махсус эпидемиологик тадқиқот ўтказилиб деярли ўрганилмаган, олинган маълумотлар клиник ва морфологик текширувларда қилинган таҳлиллар билан чегараланган. Гастродуоденал яралар (ГДЯ) ва уларнинг хавф омиллари тарқалишга оид бу йўл билан олинган натижалар ҳақиқатга тўғри келмайди, чин частотасидан бир неча баробар паст кўрсаткичларни ифодалаб тафовутланади. Шу сабабдан гастродуоденал яраларни айнан мана шу йўналишда, айниқса, узок умр кўрувчи популяцияда (УУКП) тадқиқ қилиш ва уларнинг натижасидан келиб чиқиб профилактикасининг инновацион алгоритмлари ҳамда технологияларини ишлаб чиқиш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида яра касаллиги (ЯК) “Чикаго еттилиги” ёки “Илоҳий еттилик” номи билан тиббиётда муҳрланиб қўйилган, кўп учрайдиган ва хавфли асоратлари кўп қайд этиладиган анъанавий руҳий-саломатлик касалликлар гуруҳига ўтган асрнинг 30-чи йилларидан буён киритилган ва ҳанузгача шу мақомда сақланиб, шифокорлар лексиконида кўп омилли ва уларга қарши тура оладиган профилактик инновацияларнинг узлуксиз ривожлантирилиб борилишни талаб этувчи касаллик сифатида давом этиб келмоқда. Гастродуоденал яралар деярли ҳимоясиз зонада уч туркум этиологик омиллар – ирсий конституционал, руҳий ва органик (преморбид патологиялар) сабаблар туфайли келиб чиқади. Шунга қарамасдан, бу ҳолатларни эпидемиологик йўллари, эрта аниқлаш усуллари, донозологик профилактикаси ва тезкор даволашни хавфсизлантириш принциплари етарлича ўрганилмаган, узок умр кўрувчи популяцияда эса, бизнинг махсус таҳлилларимиз бўйича умуман аниқланмаган ёки ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, узок умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларни клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ <http://www.rmj.ru>, 2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон мамлакатларининг узок йиллик илмий тадқиқотларда ЖК ва преульцероз ҳолатлар бўйича куйидаги клиник – эпидемиологик тавсиялар асосан, ўсмир ва ўспиринларда, меҳнатга лаёқатли аҳолида, кекса ва қарияларда қайд қилинган: охириги 70 йилда ГДЯ билан касалланиш доимо пасайиб келган; ҳар йили 200 000 – 400 000 аҳолида ГДЯ аниқланиши давом этмоқда, даволанишлари учун йилига 3-4 млрд. доллар сарф қилинади; ГДЯ келиб чиқишида устуворлик роли *Helicobacter Pylori* га берилишига қарамасдан (1980 йиллардан бошлаб) уларнинг шаклланишида асосий рол хавф омили эканлиги ҳозиргача эътироф этилмоқда (Calvet X., Ramirez Lazaro M.J. et al., 2013; Ивашкин В.Т., Маев И.В., Лапина Т.П., ва бошқ. 2018; Марий В.А., Романова Н.Н., 2019).

Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам ЖК 1,8% аҳолида учрайди, эркак ва аёллар бирдай касалланади, клиник текширув натижаларига кўра 20–50% беморларда ГДЯга нисбатан оилавий мойиллик кузатилади (*Rothenbacter D., Lw M., Hardt P.D. et al., 2005*). ГДЯнинг бошқа кислотага боғлиқ касалликларга қўшилиб аниқланиши олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра 40-50% ни ташкил этиб, кўпинча жиддий асоратларни келтириб чиқаради, ногиронликка олиб келади (Подолужный В.И., 2019) ёки канцерпревенция стратегиясини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Чунки, ГДЯ ва преульцероз ҳолати билан популяцияда канцерогенез каскади жадаллашади. Тадқиқотчилар томонидан *H.pylori* ассоциирланган преульцероз ҳолатларда ошқозон раки келиб чиқади деган эпидемиологик аксиома ҳам фойдаланила бошлаган ва ошқозон раки олди ўзгаришларининг мониторинги бўйича тавсияларда канцерогенез хавфига мувофиқликда эндоскопик текширув ўтказиб туришни кўпайтириш (эндоскопик канцерпревенция схемаси), яъни профилактик химоялаш амалиёти тавсия қилинган³.

³ [<http://internist.ru/broadcast/detail/30013/29991/>]

Ўзбекистон шароитида ҳам бу борада УУКПда тўлиқ ноаниқликлар мавжуд бўлиб, ГДЯга оид эпидемиологик вазиятни чин баҳолашга эҳтиёж туғилган. Клиник амалиётда ГДЯнинг тез – тез келиб чиқиши ва шиддатланиб асоратланиши нафақат хавф омилларининг таъсирида, балки кўплаб патологиялар негизида ҳам (артрозлар, артритлар, дорсопатиялар, остеопороз ва бошқ.) кузатилади (Марий В.А., Романова Н.Н., 2019). Аҳолида коморбид кечувчи ГДЯнинг хусусиятларини ўрганиш ва “эпидемиологик маршрути”ни муайян популяция ҳамда минтақа ёки вилоятларда аниқлаш нафақат ташхисот, профилактик, башоратли ва терапевтик, балки хирургик аҳамият ҳам касб этади. Лекин коморбид ГДЯларнинг моҳияти ва минтақавий хусусиятлари эпидемиологик текширувларда кам ўрганилган, Ўзбекистон шароитида ва узоқ умр кўрувчи аҳоли гуруҳларида эса ўрганилмаган. Шу каби хануз ечилмай келинаётган ГДЯ атрофидаги ўта долзарб масалалар ва илмий муаммолар ҳисобга олиниб ушбу диссертация тадқиқоти режалаштирилди ва амалга оширилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №002583 «Гастродуоденал яраларни узоқ умр кўрувчилар популяциясида клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар» (2021–2023йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва профилактикасининг такомиллаштирилган инновацион технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг тарқалишини Фарғона водийси шароитида аниқлаш;

гастродуоденал яраларнинг асоратланиш тавсифлари ва асосий хавф омиллари эпидемиологиясини ўрганиш;

гастродуоденал яраларнинг узоқ умр кўрувчилар популяциясида клиник кечиш хусусиятлари ва хавф омилларини ушбу касалликка боғлиқлик даражаларини қиёсий баҳолаш;

узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яралар ва асоратларини башоратлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва коморбид кечувчи гастродуоденал яраларни аниқлаш;

узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратларини профилактикаси бўйича инновацион технологияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти шаҳар ва туманларида яшовчи 90 ёшдан ошган узоқ умр кўрувчи 719 та аҳоли олинган.

Тадқиқот предмети сифатида Андижоннинг узоқ умр кўрувчиларда гастродуоденал яраларнинг профилактикасини ташкил этиш ва ўтказиш,

уларнинг келиб чиқишининг асосий хавф омилларининг (ўзгартириб бўладиган ва ўзгартириб бўлмайдиган) эпидемиологик тадқиқот натижаларини клиник, профилактик ва предиктив таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, клиник, биокимёвий, сўровномали, лаборатор, инструментал ва статистик текшириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узок умр кўрувчи аҳолида гастродуоденал яраларнинг тарқалишининг реал частоталари Фарғона водийси шароитида эндемик геронтологик хусусиятлари, асоратларининг эпидемиологик механизмлари аниқланган;

гастродуоденал яраларнинг ҳудудий жиҳатлари “кашф қилинган” ва уларнинг патогенетик ульцероген таъсирларини тўлиқ бартараф этиб, юмшатиб турувчи тизим, ҳамда клиник кечишининг геронтологик хусусиятлари аниқланган;

илк бор узок умр кўрувчи аҳолида гастродуоденал яраларнинг коморбид кечиш хусусиятларини ҳудудий жиҳатлари исботланган;

гастродуоденал яраларнинг узок умр кўрувчи популяцияда ульцеропревентив профилактик инновацион технологиялар тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узок умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси тўғрисидаги назарий ҳамда амалий хулосалар ишлаб чиқилган;

гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратларини мониторингини эпидемиологик тизими орқали хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этишнинг скрининг усули амалиётга жорий этилган;

гастродуоденал яраларнинг клиник кечиш хусусиятлари, хавф омилларидан етакчилик қилувчиларини ҳисобга олиш билан профилактик тадбирларни қўллаш имконияти яратилган;

гастродуоденал яраларнинг хавф омилларини узок умр кўрувчиларда коморбидлик фонида келиб чиқувчи ва кечувчи гастродуоденал яралар тўғрисида олдиндан башорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари бўйича узок умр кўрувчиларда гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратларини профилактика қилишда инновацион технологиялар тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот давомида стандартизацияланган ва унифицирланган замонавий усул ҳамда ёндошувларни қўлланилганлиги текширув объектининг репрезентатив – ҳажмлилиги, назарий маълумотларнинг шахсий олинган натижалар билан мос келиши, бажарилган эпидемиологик текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, сўровномали, биокимёвий, клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, уларни маҳаллий ва халқаро тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, эпидемиологик текширув натижалари негизда яратилган башоратлаш ва профилактика алгоритмлари ва инновацион технологияларни узоқ умр кўрувчи аҳолида ульцеропревентив амалиётини кескин ва натижавий фаоллаштириши тасдиқланганлиги, гастродуоденал яралар асоратларининг эпидемиологик механизмлари аниқланганлиги ва уларни эрта аниқлаш йўллари кўрсатилиб, илмий асослаб берилганлиги, коморбидли кечиши аниқлаб берилганлиги ва ҳудудий жиҳатлари тасдиқланиб исботланганлиги, яраларнинг шаклланиши ва асоратланишига бевосита алоқадор етакчи ҳудудий омиллар ажратилганлиги ва уларнинг ҳиссалари қиёсланиб исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тавсия этилган ишланмалар (алгоритм, профилактика – скрининг ва башоратли технологиялар) узоқ умр кўрувчиларда ГДЯдан тиббий, иқтисодий ва ижтимоий талофатларни камайтириши ёки мутлақо бартараф этиши, ҳаёт давомийлигини узайтириши, ГДЯ тарқалиш суръатини энг камида 50% га камайтириши, преульцероз ҳолатларни, преморбид касалликларни 85% гача эрта аниқлаш ва бартараф этиш имконини бериши, гастродуоденал рақ профилактикасини оптималлаштириши, ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) – гастропатия хавфини 40% гача камайтириши, НЯҚВ – ўткир гастрит келиб чиқишини ҳамда ятроген полипрагмазия хавфини 100% га бартараф этиши, касалхонага асоратли ГДЯ билан тушишни кескин камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гастродуоденал яраларни узоқ умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар бўйича олинган илмий натижалар асосида: *биринчи илмий янгилик:* узоқ умр кўрувчи аҳолида гастродуоденал яраларнинг тарқалишининг реал частоталари Фарғона водийси шароитида эндемик геронтологик хусусиятлари, асоратларининг эпидемиологик механизмлари аниқлаш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №61-24/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Гастродуоденал яраларни узоқ умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЁИМ Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 50- сонли буйруғи, РШТЁИМ Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61 с/т сонли буйруғи ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 41 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 июлдаги 02/12 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси тўғрисидаги фикрлар, хулосалар, назарий ҳамда амалий тасаввурларни кенгайтирган. Гастродуоденал яраларнинг узоқ умр кўрувчилар

популяциясида замонавий-скринингли клиник хусусиятларини аниқлаш ва профилактикасини инновацион усулларини яратиб беришнинг оптимал усули бўлиб эпидемиологик тадқиқотларда тасдиқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тавсия этилган услубий тавсиянома бўйича узок умр кўрувчи аҳоли орасида ГДЯ касаллигининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий-ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 6500000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *иккинчи илмий янгилик:* гастродуоденал яраларнинг ҳудудий жиҳатлари “кашф қилинган” ва уларнинг патогенетик ульцероген таъсирларини тўлиқ бартараф этиб, юмшатиб турувчи тизим ҳамда клиник кечиши геронтологик хусусиятларини аниқлаш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №61-24/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Гастродуоденал яраларни узок умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЁИМ Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 50- сонли буйруғи, РШТЁИМ Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61 с/т сонли буйруғи ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 41 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 июлдаги 02/12 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратларини мониторинг қилиб бориш, ўрганиш ва баҳолашни узок умр кўрувчиларда эпидемиологик тизими бевосита фаолиятга тавсия этилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тавсия этилган услубий тавсиянома бўйича узок умр кўрувчи аҳоли орасида ГДЯ касаллигининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий-ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 6500000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *учинчи илмий янгилик:* илк бор узок умр кўрувчи аҳолида гастродуоденал яраларнинг коморбид кечиш хусусиятларини ҳудудий жиҳатларини ўрганиш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №61-24/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Гастродуоденал яраларни узок умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЁИМ Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 50- сонли буйруғи, РШТЁИМ Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61 с/т сонли буйруғи ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 41 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 июлдаги 02/12 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* узок умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиб боришнинг скрининг усули ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тавсия этилган

услугий тавсиянома бўйича узоқ умр кўрувчи аҳоли орасида ГДЯ касаллигининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий-ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 6500000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *тўртинчи илмий янгилик*: гастродуоденал яраларнинг узоқ умр кўрувчи популяцияда ульцеропреентив профилактик инновацион технологиялар тизими такомиллаштириш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №61-24/и-сонли хати билан расмийлаштирилган «Гастродуоденал яраларни узоқ умр кўрувчилар популяциясида клиник – эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасига инновацион ёндашувлар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЁИМ Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 50- сонли буйруғи, РШТЁИМ Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61 с/т сонли буйруғи ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 41 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 июлдаги 02/12 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: кўплаб хавф омиллари орасидан гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратланишларида етакчилик қилувчиларининг ҳиссалари бўйича ажратиб берилган бўлиб, уларни ҳисобга олиш профилактик тадбирларни кескин енгиллаштириши, қулайлик яратиши, беморлар реабилитация вақти қисқариши ва меҳнат фаолиятини яхшилашга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги*: тавсия этилган усулбу услубий тавсиянома бўйича узоқ умр кўрувчи аҳоли орасида ГДЯ касаллигининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий-ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 6500000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 2 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари келтирилган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Гастродуоденал яраларни узок умр кўрувчилар популяциясида замонавий клиник – эпидемиологик ва профилактик хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йиллардаги илмий манбалари шарҳи келтирилган. Унда узок умр кўрувчиларда гастродуоденал яраларнинг келиб чиқиши ва олдини олишнинг замонавий хусусиятлари, клиник-эпидемиологик тавсифи, яраларнинг ривожланиши, кечиши, асоратланишларини башоратлаш ва профилактикаси бўйича инновацион технологияларни ишлаб чиқиш йўналишлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усулларининг тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асоси бўлган материал ва усуллар тавсифи ўрин олган.

Тадқиқот Андижон давлат тиббиёт институтида ўтказилган. Унинг объекти сифатида Фарғона водийси тавсифини тўлиқ ўзида акс эттирувчи Андижон вилоятининг >90 ёшли аҳолиси олинган.

Охириги сайлов рўйхати бўйича Андижон вилоятининг 16 та ҳудудида (12 туман ва 4 та шаҳарда) яшовчи 90 ёшдан ошган аҳоли гуруҳи (узок умр кўрувчилар) ажратилган (n=719). ГДЯ билан репрезентатив аҳоли гуруҳини аборигенлар (100%), олий ва ўрта маълумотлилар, эркаклар (n=262) ва аёллар (n=457) ташкил этган. Уюшмаган аҳоли популяциясини тадқиқот объекти сифатида олинмишида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг (2018) тавсияларидан келиб чиқилган: улар ҳудуднинг узок умр кўрувчиларини ўзида акс эттиради, миграцияланиш мутлоқ йўқ даражада, текширув (скрининг) маркази билан боғланиш қийинчилик туғдирмайди, ушбу узок умр кўрувчилар популяцияси гастроэнтерологик тадқиқотларга қўйилган талабларга жавоб беради (ЖССТ,2020).

Эпидемиологик тадқиқотни ташкил этишда ва ўтказишда унга оид халқаро тавсиялар эътиборга олинди (ЖССТ,2000) ва текширув 3 босқичда босқичма-босқич амалга оширилди.

I босқичда ЖССТ томонидан тавсия қилинган <<Анкета сўровнома>> бўйича узок умр кўрувчи аҳоли популяцияси текширилган ва олинган натижалар баҳоланган. Хусусан, сурункали юқумли бўлмаган касалликлар (СЮБК) бўйича сўров, сигарета чекиш, нос, алкоголь, мева ва сабзавотларнинг истеъмоли (МСМИ) бўйича саломатлик ҳолати ва жисмоний фаоллик даражасига кўра сўров-текширув ўтказилган.

II босқичда физикавий кўрув –антропометрик ўлчовлар, артериал босимни (АБ) ўрганиш, гемодинамик кўрсаткичларни ўрганиш ва инструментал кўрсаткичлар – натижаларини ўрганиш каби текширув ҳамда баҳолашлар амалга оширилган.

III босқичда УУКП мақсадли комплекс ва чуқурлаштирилган

эпидемиологик текширувдан ўтказилган (скрининг марказининг малакали мутахассислари иштирокида). Биокимёвий скрининг, умумлаборатор скрининг, гастродуоденал яранинг специфик хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш ўтказилган.

Сўровномада ГДЯ, унинг хавф омиллари ва УУКПда коморбид патологияларни эпидемиологик ташхисотини 100% таъминлашда спецификлиги ва сезгирлиги эътиборга олинган. ГДЯ аломатларини (у энг кўп аниқланиши мумкин бўлган белги частотасини тахлилий таркибини маълум бир кўрсаткич қайд этиладиган, масалан: хатар омили(ХО)нинг аниқлик даражаси) ушбу популяцияда баҳолашиб сўровномага қўйилган.

Бундан ташқари, минтакавий (худудий) белгилар бўйича шакллантирилган, намуналарда олинган натижалар аҳамият касб этган – Фреймингем, Олбани ва Текансе эпидемиологик тадқиқотлар тамойили қўлланган.

Сўровнома (эпидемиологик) усулида УУКП нинг текширувида ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва эпидемиологик тадқиқотларда сурункали касалликлар, ҳамда уларнинг хавф омилларини босқичма босқич аниқлаб, мониторинг қилиб бориш учун тавсия қилинган махсус сўровнома – The WHO STEP Wise approach to noncommunicable disease risk factor surveillance (STEPS) қўлланилган⁴.

УУКПда қон ва сийдик тахлили, махсус синамалар (эхтиёжга қараб Греггерсен синамаси) тахлил қилиниб ўрганилган. Қон зардобида умумий холестерин (УХ) ва триглицеридлар (ТГ) миқдори (ммоль/л) аниқланган. Бунинг учун “Техникон” фирмасининг “АА-2” автоанализаторидан фойдаланилган. Уларни хавф омили сифатида ЖССТнинг баҳолаш мезонларидан (1990) фойдаланиб ўрганилган. Гиперхолестеринемия (ГХС) деб – УХСнинг қон зардобидаги миқдори 5.1 ммоль/л га тенг ва ундан ортиқ миқдорини, гипертриглицеридемия (ГТГ) деб – триглицериднинг ≥ 1.7 ммоль/л миқдорлари қабул қилинган.

УУКП текширувида клиник ташхисот усуллари (анамнез, кўздан кечириш, пальпация, перкуссия ва аускультация) маълумотларини тахлил қилиш натижаларидан фойдаланилган. Заруриятга қараб касаллик варақалари ва амбулатор карталар тахлил қилинган, ҳамда натижалар олинган. Қон босими 2 дақиқалик интервал билан 2 марта ўлчаниб, ўртачаси асосий кўрсаткич сифатида қабул қилинди. Қон босимининг $\geq 140/90$ мм.сим.уст га тенг даражасини артериал гипертензия (АГ) деб ташхисланган (ESC.2018).

Эпидемиологик талаблардан келиб чиқиб ва ЖССТ тавсияларига кўра антропометрик ўлчашлар бажарилган. Кетле индекси $\leq 18,5$ га тенг бўлганда тана вазнининг етишмовчилиги, 18,5-24,9 га тенг бўлса тана вазни меъёрда, 25-29,9 бўлса ортиқча тана вазни (ОТВ), 30-34,9 бўлса семизликнинг биринчи даражаси, 35-39,9 бўлса семизликнинг 2-даражаси ва ≥ 40 бўлса семизликнинг 3-даражаси деб ташхисланган.

⁴ WWW.who.int/chp/steps, Geneva 27.

Эпидемиологик ташхисот учун инструментал текширув усулларидан ҳам фойдаланилган. ЭКГ, меъда-ичак рентгеноскопияси, фиброэзофагогастродуоденоскопия(ФЭГДС) ва ультратовуш текширувлари (УТТ) бажарилган. Элекрокардиография (ЭКГ) “6-НЭК” электрокардиографи ёрдамида умумқабул қилинган 12 та уланишда амалга оширилган. Бундан ташқари зарурат бўлганда ЭхоКГ дан “мақсадли” фойдаланилган.

Популяцияда қорин бўшлиғи аъзоларининг (жигар, талок, дарвоза вена томирлари, ўт пуфаги, буйраклар) ультратовуш текшируви ўтказилган. Текширув ALOKA-5500 Prosound (Япония) аппаратида, икки ўлчамли (В) тартибда, 2-7,5 МГц₁₁ тўлқин узатгичига эга конвексли узатгичда умумқабул қилинган қоидалар асосида бажарилиб, амалга оширилган.

ФЭГДС Г.Б. Гершман усули бўйича “Olympus” фирмаси аппаратида бажарилган: бир вақтнинг ўзида қизилўнгач, ошқозон ва 12 бармоқли ичак кўздан кечирилиб текширилган, заруратга кўра шиллиқ қаватлардан морфологик ўрганиш учун мўлжалли биопсия амалга оширилган. Ошқозон ва 12-бармоқли ичак шиллиқ қаватлари (ОШҚ) ҳолати Сидней мезонлари бўйича В.В.Подусенко модификациясида баҳоланган.

Ишлаб чиқилган саволномани респондентларга тақдим этиш учун, Open Data Kit тизимининг www.Kobotoolbox.org платформасидан фойдаланилган.

Маълумотлар базасини йиғишда тадқиқотнинг 2 даражали хатоликларидан қочиш мақсадида, саволларга махсус чекловлар бириктирилган ва амалиётга тақдим этилган.

Тайёр бўлган маълумотлар базаси “CSV” форматга экспорт қилинган ва “R studio” дастурида “rio, here, skimr, janitor, lubridate, epikit, scales, viridis, tsibble, arugamid, flextable, tidyverse ва dplyr пакетларидан фойдаланиб популяциянинг маълумотлар базаси турли статистик таҳлиллар учун тайёрланган. Гуруҳларда тарқалиши “R studio” дастурининг (table1) пакетида тақсимланиб, олинган маълумотлар xlsx. форматига экспорт қилинган ва жадвалларни тўлдиришда фойдаланилган.


Ўрганишда таъсир этган омил ва оқибат ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини баҳолаш учун, “R studio” дастурининг sjstats, expss, finalfit ва remote пакетлари ёрдамида, биостатистика асосларининг “имкониятлар нисбати” (OR) аниқланган. Таҳлил натижасида олинган “имкониятлар нисбати” статистик аҳамиятини баҳолаш мақсадида Эйлернинг константасидан фойдаланган ҳолда 958 Ишонч интервали олинган. “chisq.test” пакети асосида Пирсон мезони бўйича χ^2 ҳисобланиб, “p.value” пакетида махсус функция ёрдамида бириктирилган. Натижада, барча олинган хулосалар ўзида имкониятлар нисбати (OR), 95% ишонч интервали ва Фишернинг р қийматини ўзида жамлаган. Барча аниқланган имкониятлар нисбати ва 95% ишонч интерваллари “Forest plot” диаграммаларида логарифмик ўсиш даражасида таққосланган.

Диссертациянинг **“Узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг эпидемиологик тавсифи”** деб номланган учинчи бобида Узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал

яраларни аниқланиш частотаси ва гендерли тавсифи, ижтимоий - эпидемиологик хусусиятлари ёритилган.


Популяцияда гендер омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари эркакларнинг ошқозон яраси касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги аёллардан кўра 3.2 баробарга юқори эканлиги клиник жиҳатдан асосланган [OR 3.19], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 2.26-4.76; $p < 0,001$] (1-расм).

Популяцияда маълумот омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари олий маълумотли шахслар ошқозон яраси касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги ўрта маълумотли шахслардан кўра 1.7 баробарга юқори эканлиги клиник жиҳатдан асосланган [OR=1,69], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0,28- 2,33; $p = 0.63$].



1-расм. Гастродуоденал яраларнинг узок умр кўрувчиларда гендерли хусусиятларининг ифодаланиши

Популяцияда яқин қариндошлар ичида ГДЯ билан касалланишнинг таъсири ўрганилганда, бир омилли таҳлил натижалари яқин қариндошлар ўртасида ГДЯ билан касалланиш мавжуд бўлган шахсларнинг ўзларида ГДЯ касаллиги билан касалланишга бўлган мойиллиги 4% га камайиши клиник жиҳатдан асосланган [OR 0.96], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0.52- 1.67; $p = 0.89$] (2-расм).



2-расм. ГДЯнинг тарқалиш частотасига УУКПда ирсий омил таъсирининг ифодаланиши

Популяцияда ортиқча тана вазни ва тана вазни индексининг меъёра бўлиши омилининг таъсири ўрганилганда, бир омилли таҳлил натижалари тана массаси индексининг юқори бўлиши ГДЯ билан касалланишга бўлган мойилликни 28% га камайишига олиб келиши статистик жиҳатдан асосланган [OR 0.72], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0.38-1.59; p=0.57] – 1-жадвал.

Олинган натижани, Исаак Ньютон таклифи асосида Жозеф Берксон томонидан татбиқ этилган кўп омилли таҳлил принципларида ўрганилди ва ортиқча тана вазни индекси ГДЯнинг ривожланишига таъсири йўқ эканлиги ўз исботини топган [OR 0.00], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0-∞; p=0.999].

1-жадвал.

Ортиқча тана вазни узок умр кўрувчиларда тарқалиш частотасининг тавсифи

Ёш гуруҳи	ОТВ меъёра бўлган УУКП			p-value	ОТВ мавжуд бўлган УУКП			Жами УУКП		
	n	ГДЯ			n	ГДЯ		n	ГДЯ	
		№	%			№	%		№	%
≥90 ёш	387	71	18,4	p=0,03	332	55	16,6	719	126	17,5
univariable	OR= 0.72; CI 95%=(0.38-1.59) ;				p=0.57					
multivariable	ORa= 0.00; CI 95%=(0-∞) ;				p=0.999					

Популяцияда протез тишлари мавжуд бўлган УУКП протез тишлар бўлмаган респондентларга қараганда ГДЯ билан касалланишига бўлган мойиллиги 3-4 баробарга юқори эканлиги статистик жиҳатдан асосланган [OR 3.39], ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ҳам ушбу олинган натижани статистик аҳамиятга эканлигини кўрсатган [CI 95% 1.81- 7.06; $p < 0.001$].

Нос чекувчи ва чекмайдиган узок умр кўрувчиларда гастродуоденал яраларнинг аниқланиш частотаси 46,83% фарқ билан қайд қилинган. Популяцияда нос чекувчи шахслар чекмаганларга қараганда ГДЯ касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги 8,66 баробар юқори эканлиги клиник жиҳатдан асосланган [OR 8.66], ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ҳам ушбу олинган натижани статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 2.57- 33.5; $p = 0.001$].

Олинган натижани, Исаак Ньютон таклифи асосида Жозеф Берксон томонидан татбиқ этилган кўп омилли таҳлил принципларида ўрганилган ва нос чекувчи шахслар чекмаганларга қараганда 3.8 баробар кўпроқ ҳолатда ГДЯ билан касалланиши ўз исботини топган [ORa 95.87], ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ҳам ушбу натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 2.81 – 5175; $p = 0.014$].

Диссертациянинг **“Узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг хавф омиллари эпидемиологияси”** деб номланган тўртинчи бобида узок умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яраларнинг асосий ўзгартириш мумкин бўлган хавф омилларининг эпидемиологик тавсифи, уларнинг тарқалиш частотаси ёритилган.

Популяцияда гиперхолестеринемия омилнинг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари гиперхолестеринемия омили УУКПда ГДЯ касаллиги билан касалланишга бўлган мойилликни 8,7 баробарга кўтарилишига сабаб бўлиши клиник жиҳатдан асосланган [OR 8.73], ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 5.13- 15.93; $p < 0.001$]. ГХС омили таъсирида текширув гуруҳларида, яъни узок умр кўрувчи популяцияда гастродуоденал яраларнинг келиб чиқиш частотасининг хавфи сезиларли ортади. Чунончи, касалликнинг аниқланиш частотаси = 4,5% (ГХС бор УУКПда) ва 28,9% (ГХС йўқ УУКП да) кўрсаткичлар билан аниқланган ($p < 0.05$).


Артериал гипертонияси бўлмаган УУКПда эса – ГДЯнинг тарқалиши 14,7% частотада қайд қилинган. Тафовутланиб аниқланиш частотаси 4,8% ни ташкил қилади ($P < 0,005$). Геронт аҳолида, қайд қилинганлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ёш билан ассоциирланган АГ ёки гипертония касаллигининг бўлиши – 100 тасидан салкам 20 тасида гастродуоденал яра шаклланади. Буни даволаш амалиётида албатта ҳисобга олиш керак бўлади. Артериал гипертонияси бор беморларда ёки ушбу хавф омили билан яшаётган узок умр кўрувчи аҳолида гастродуоденал яраларнинг аниқланиш

частотаси 19,5% ни ташкил қилган.

Популяцияда НЯҚВ қабул қилиш омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари НЯҚВ қабул қилиш омили УУКПда ГДЯ касаллиги билан касалланишга бўлган мойилликнинг 39,28 баробарга ошишига сабаб бўлиши клиник жиҳатдан асосланган [OR 39.28], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 22.6-72.9; p <0.001].

Популяцияда *Helicobacter pylori* омилининг таъсири ўрганилганда, бир омилли таҳлил натижалари *Helicobacter pylori* мусбат бўлган шахсларнинг ГДЯ касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги *Helicobacter pylori* манфий бўлган шахсларга нисбатан 5,23% га юқори эканлиги статистик жиҳатдан асосланган [OR 5,23], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 0.38-8.1; p<0.001] – 3 -расм.

Популяцияда мева ва сабзавотлар истеъмоли омилининг таъсири ўрганилганда, бир омилли таҳлил натижалари мева ва сабзавотларни кам истеъмол қилувчи УУКП ГДЯ касаллиги билан касалланишга бўлган мойиллиги 24% га камайиши клиник жиҳатдан асосланган [OR 0.76], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0.3- 1.47; p =0.081].



3-расм. *Helicobacter pylori*ни УУКП да ГДЯга таъсири

Олинган натижани, Исаак Ньютон таклифи асосида Жозеф Берксон томонидан татбиқ этилган кўп омилли таҳлил принципларида ўрганилди ва олий маълумотли шахслар ўртасида ГДЯ ривожланиши бу хавф омили йўқларга қараганда юқори эканлиги статистик жиҳатдан ўз исботини топган [ORa 789], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатган [CI 95% 0-∞; p =0,999].

Узоқ умр кўрувчилар популяциясида қандли диабет омилининг

таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари қандли диабет билан оғриган шахсларнинг ГДЯ касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги қандли диабет билан оғримаган шахслардан кўра 13% га камроқ мойил эканлиги статистик жиҳатдан асосланган [OR 0.27], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу олинган натижалар статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 0.008- 0.66; p =0.012]. Улардан кўринадики, ҚД2 бор узоқ умр кўрувчи популяцияда гастродуоденал яралар 5,8% аниқланиш частотаси билан тавсифланди. ҚД2 билан касалланмаган узоқ умр кўрувчи аҳолида эса гастродуоденал яра касаллигининг тарқалиш частотаси 18,8% ни ташкил қилади. Тафовутларнинг кўрсаткичи -13,0% ёки ҚД2 омили таъсирида ГДЯни мазкур популяция гуруҳида келиб чиқиш хавфи салкам 6% га етиб исботланади (P<0.05). Бу эпидемиологик хулоса ҳам превентив алгоритм, дастур ва моделларни ишлаб чиқишда эътиборга олиниши лозим.

Популяцияда асаб тизими касаллиги омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари асаб тизими касаллигига чалинган шахсларнинг ошқозон яраси касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги асаб тизими касаллиги билан оғримаган шахслардан кўра 88% га камроқ эканлиги клиник жиҳатдан асосланган [OR 0.12], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% 0.002- 0.39; p =0.03].

Популяцияда мунтазам овқатланиш омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари мунтазам овқатланувчи геронтларни ГДЯ касаллиги билан касалланишига бўлган мойиллиги номунтазам овқатланувчи шахслардан кўра 1,25%га кўпроқ ҳолатда кузатилиши клиник жиҳатдан асосланган [OR 1.25], лекин, ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатган [CI 95% 0.83- 1.86; p =0.28].

